

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
"Тўрақўрғон ИЭС қуриш дирекцияси" УК
бош муҳандиси
Б.Собиров
«__» _____ 2022 й.



Автомобиль транспортада юк ташиш хизматини кўрсатувчи ташкилотни
танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Тўрақўрғон - 2022

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: "Тўрақўргон ИЭС қуриш дирекцияси" унитар корхонасининг ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўладиган кимёвий реагентларни, филтрловчи материалларни ва бошқа эҳтиёт қисмларни ташиш учун автомобиль транспортида хизмат кўрсатувчи корхонани ташлаш.

1.2. Танлов нархи: 285 900 000 (икки юз саксон беш миллион тўққиз юз минг) сўм.

№	Хизматларнинг номланиши	Маршрут	Максимал юк олиш микдори	Йиллик ташиладиган юк микдори	Нархи (сум)
1	Гипохлорид натрий кимёвий реагентни ташиш	Наманган вилояти – Самарқанд ш. – Наманган вилояти	22 тонна	300 тонна	9 850 000
2	Сульфат кислота ташиш	Тошкент вилояти – Наманган вилояти	22 тонна	300 тонна	6 800 000
4	2 босқич хаво филтрларини ташиш ва бошқа эҳтиёт қисмлар	Тошкент шаҳри – Наманган вилояти	5 тонна	30 тонна	4 400 000

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Кимёвий реагентларни, филтрловчи материалларни ва бошқа эҳтиёт қисмларни ташиш бўйича техник топшириқ танлов ҳужжатларига илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилади.

1.4. Кимёвий реагентларни, филтрловчи материалларни ва бошқа эҳтиёт қисмларни ташиш хизмати, шартнома имзоланган кундан бошлаб, буюртмачи талабига асосан кўрсатилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Тўрақўргон ИЭС қуриш дирекцияси" УК (бундан кейин – "Буюртмачи" деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Наманган вилояти. Тўрақўргон тумани Яндама ҚФЙ, Кумидон МФЙ.

Эл.адрес: turies@tpp.uz

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи"нинг амалдаги Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва етқазиб берувчи ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

- Давлат руйхатидан белгиланган тартибда ўтган, юридик мақомга эга корхоналар;
- Юқорида кўрсатилган маҳсулотни ишлаб чиқарувчиси ёки ишлаб чиқарувчи корхонанинг дилерлиги тўғрисида маълумотга эга бўлиши;

- Махсус ва агрессив юкларни ташиш учун тегишли рухсат берувчи ҳужжатларига эга ташкилотлар;

- Сўнгги 1 йил ичида шу йўналишда олиб борилган ишлар бўйича маълумот;

- Кўрсатилаётган хизматларнинг, ҳамма харажатлари ўз ичига олган ҳолда, тижорат таклифини бериши.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш, тугатиш ёки банкротлик) арафасида турган корхоналар;

- суд жараёнларида бўлган корхоналар;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд корхоналар;

- маъсулиятсиз етқазиб берувчиларнинг рўйхатида турган корхоналар;

- банк ҳисоб рақамида К-2 картотекаси мавжуд бўлган корхоналар.

3. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (PDF форматда) (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришлари шарт.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Амалдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари тўғрисида қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи аниқлангандан сўнг, қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР


6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.4 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

АТМ участкаси бошлиғи



А.Насимов